2018 йил 17 декабрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (13.835)

Баҳоси эркин нархда

## САХОВАТЛИ ҚАШҚАДАРЁ ЗАМИНИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.**

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда қабул қилинган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида вилоятнинг 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалласи обод қилиниб, уларда яшаётган 300 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланганини таъкидлади.

Жумладан, 17 мингта ҳовли-жой, 193 та кўп қаватли уй, 82 та ижтимоий соҳа объекти, юзлаб километр йўл ва кўчалар, сув ва электр тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунга қарийб 300 миллиард сўм сарфланди.

Вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида сезиларли ишлар қилингани, бироқ бу кифоя эмаслиги қайд этилди. Бу ишлар кўламини ошириш мақсадида Косон, Муборак, Қамаши ва Ғузор туманлари ичимлик суви таъминоти тизимларини реконструкция қилиш, Деҳқонобод туманидаги 38 аҳоли пунктида яшаётган 104 минг кишини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Аҳолининг арзон уйларга талабини қондириш учун жорий йилда қишлоқ жойларда 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп арзон намунали уй-жой, шунингдек, Қарши шаҳрида жами 630 хонадонли 14 та кўп қаватли уй қурилди. 2019 йилда 190 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган 39 та қишлоқ ва 6 та маҳалла ободонлаштирилади. Қишлоқ жойларда 1 минг 205 та арзон намунавий уй-жой, шаҳарларда 14 та кўп қаватли уй барпо этилади, аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизнинг Буюк Британия, Эрон ва Польшадаги элчихоналари Қашқадарё вилоятига бириктирилган. Президентимизнинг ташрифи доирасида Қарши шаҳрида ўтган тақдимотларда Буюк Британиядаги элчимиз Алишер Шайхов 276 миллион долларлик 5 та лойиҳа, Польшадаги бош дипломатимиз Баҳром Бобоев 163 миллион долларлик 8 та, Эрондаги элчимиз Баҳодир Абдуллаев 61 миллион долларлик 9 та лойиҳани амалга оширишга инвестиция киритиш бўйича таклифлар берди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар етарли эмаслигини, элчилар хорижий инвестиция жалб этишни камида 2 баробар кўпайтириши лозимлигини таъкидлади.

Элчиларимиз булардан ташқари 2019 йилда ҳар бир туманга қўшимча камида 10 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб қилишга кўмак бериши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Ишсизликни камайтириш масаласига эътибор қаратилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 15 триллион сўм бўлган 1 минг 200 дан зиёд лойиҳалар бўйича таклифлар ишлаб чиқилгани, улар амалга оширилиши билан 29 мингта доимий иш ўрни яратилиши қайд этилди.

Ҳудудда туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинади. Бу борада Шаҳрисабзда йил давомида маданий-кўнгилочар тадбирлар ва анжуманлар ўтказиб бориш орқали туристларни кенг жалб қилиш учун кўҳна Кешни Фестиваллар шаҳрига айлантириш таклифи берилди.

Ижтимоий ҳаётни яхшилаш учун, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш керак. Бунинг учун иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш талаб этилади. Фақат хом ашё етиштириш эмас, балки уни тайёр маҳсулот шаклида сотиш тизимини йўлга қўйиш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда пахта кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир туман иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилди. Жойлардаги ижро органлари бу борада сусткашликка, бефарқликка йўл қўяётгани танқид қилинди.

Қашқадарёликлар бағрикенг, танти ва ғурурли эл. Бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Биз, албатта, Қашқадарё аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратамиз, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар муаммоларини ҳал этишга эътиборни кучайтирамиз, ижтимоий таъминотга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаймиз, бунинг учун раҳбар ходимларимиздаги мудроқлик кайфиятини, коррупцияни йўқотамиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз видеоалоқа орқали туманлардаги аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг таклиф ва истакларини бажариш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислом Каримов Қашқадарёга раҳбарлик йилларида вилоят иқтисодиётини кўтариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида кўп ишлар қилгани ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида бунёд этилаётган "Ватанпарварлар" боғини бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ислом Каримов кўчасида жойлашган Болалар боғи номини "Ватанпарварлар" деб ўзгартириш, бу ерда ана шу шарафли номга уйғун руҳда реконструкция ишларини амалга ошириш юзасидан топшириқ берган эди.

Боғни барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, армиямиз қудрати ва салоҳиятига ишончни кучайтиришдан иборат.

Қарийб 7 гектар ҳудуддаги "Ватанпарварлар" боғи ана шу мақсадларга ҳамоҳанг тарзда янги қиёфа касб этмоқда. Бу ерда 2018-2019 йилларда 29,3 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Сунъий кўл, кириш дарвозаси, амфитеатр, блендаж, ўқ отиш жойи ва лукодром қурилиши якунланди. Музей қурилиши тугалланиш арафасида, парашютдан сакраш минораси қурилиши, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Боғ ҳудудига Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган, турли йилларда хизмат қилган 24 та ҳарбий техника макети ўрнатилган. Махсус тайёрланган блендажни кўрган киши кўз ўнгига Иккинчи жаҳон урушида мардонавор жанг қилган ватандошларимиз келади.

Боғда ўрнатилган Ўзбекистон харитасининг улкан макетида ҳар бир вилоятнинг буюк сиймолари, қадимий обидалари, сервиқор тоғлари, дарёлари, бепоён кенгликлари акс эттирилган.

Мухтасар айтганда, бу ерга ташриф буюрувчилар Ўзбекистонимиз ҳудудлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Боғ яқинида қурилган 4 та замонавий кўп қаватли турар жой, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳудуд манзарасини янада гўзаллаштиради.

Президентимиз боғда яратилган шароитларни кўздан кечирди, таълим муассасаларидаги "Жасорат" гуруҳлари аъзолари билан суҳбатлашди.

Бундай масканлар ёшларга халқимиз тарихи, маънавияти ва маданияти ҳақида яққол таассурот беради. Энди бундан самарали фойдаланиш, ушбу масканга ёшларни кўпроқ олиб келиб, очиқ дарслар ўтказиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган ҳиссасининг аҳамиятини ёшларга етказиш, тинчлик-осойишталигимиз учун катта хизматлар қилган ватандошларимиз ҳақида сўзлаб бериш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари "Ватанпарварлар" боғи ёнида қад ростлаган янги сув спорти мажмуаси билан танишди. Ушбу замонавий иншоотда 25х11 метрлик тўрт йўлакдан иборат иккита сузиш ҳавзаси мавжуд. Ташқи кўриниши парвоз қилаётган қушни эслатадиган иншоот ҳавзасидаги сув махсус фильтрлар ёрдамида тўлиқ янгилаб турилади. Ювиниш, овқатланиш, тиббиёт ва фитнес хоналарида барча қулайликлар яратилган. Бу ердаги замонавий шароитлар ота-оналарнинг, ёшларнинг сув спортига қизиқишини оширади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда шуғулланаётган ёш спортчилар билан суҳбатлашиб, уларга келгуси мусобақаларда омадлар тилади.

Шу билан Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




## МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

***Тошкентда Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида муносиб бандликни таъминлаш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон, шунингдек, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар мутахассислари, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЕХҲТ, Халқаро миграция ташкилоти, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирок этди.

Унда меҳнат миграциясини тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер сўзга чиқди.

– Дунёда кечаётган сўнгги воқеалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамият, иқлим ўзгармоқда, глобаллашув, миграция жараёнлари тезлашган, – деди ХТМ бош директори. – Буларнинг барчаси биздан меҳнат муносабатлари келажагини зудлик билан таҳлил қилишни тақозо этади. Бугунги анжумандан ҳам айни мақсад кўзланган.

*(Давоми 2-бетда)*

## ТОШКЕНТДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ 25-МАЖЛИСИ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро савдо маркази (ITC)да Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитасининг 25-мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда ташкилотга аъзо давлатлар – Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Покистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Савдо-саноат палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус, туризм, транспорт, савдо, саноат, инвестиция соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралар, хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари, ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Учрашув Туркия Республикаси раислигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатаси президенти А.Ҳофизий, Туркия Савдо-саноат палатаси ва товар биржаси кенгаши президенти Р.Хисарчиклиоглу, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Бош котиби Б.Амраев қатнашди.

Уч кун давом этган тадбирда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатасининг Тадбиркор хотин-қизлар кенгаши, Туризм, Транспорт, Арбитраж, Саноат, инвестиция, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда Савдони соддалаштириш бўйича қўмиталарининг мажлислари ташкил этилди. Қўмиталар мажлисларида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, савдо, саноат, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Хабар берилганидек, 2018 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.**

Мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан ички ишлар вазирининг ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар давомида ҳуқуқ-тартибот органларини юклатилган вазифаларни юксак даражада бажарадиган демократик тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси, тезкор-хизмат фаолияти қайта ташкил этилди, мазкур соҳа ходимлари аҳолига яқиндан хизмат қилиши ва халққа яқин бўлиши учун уларнинг олдига эндиликда мутлақо янгича талаблар қўйилди.

Бунда тегишли тузилмаларнинг олисда жойлашган аҳоли пунктларидаги ишини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун қўшимча равишда ички ишлар органларининг бўлинмалари ва таянч пунктлари ташкил этилиб, профилактика инспекторларининг сони оширилди.

Таъкидланганидек, кейинги вақтда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг эътибори бевосита маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга ва аҳолида ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қайси кўринишига муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилмоқда. Бу борада Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш республика комиссиясининг минтақавий гуруҳлари томонидан аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунда ҳар бир содир этилган жиноятни аҳоли орасида муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ҳар ой якунида Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари олдида ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича 198 нафар ўринбосари, маҳалла аҳли олдида 6 минг 896 нафар профилактика инспектори амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Мазкур ҳисоботларнинг якунлари бўйича ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторлари рағбатлантирилди, хизмат вазифаларига виждонан муносабатда бўлмаганларга эса интизомий ва маъмурий жазо қўлланилди.

Шунга қарамай, бугунги кунда фуқароларнинг ички ишлар ходимларига нисбатан ишончи лозим даражада, деб бўлмайди. Гарчи хизмат интизомини бузиш ҳолатлари кескин камайган бўлса-да, ҳуқуқбузарликлар, фуқаролар билан муносабатларда уларга нисбатан қўполлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш зарурати қайд этилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги ҳисоботни эшитдилар. Бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимликлари ва компаниялари ҳамда хорижий шериклар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида умумий суммаси 6 миллиард долларлик 80 дан ортиқ ҳужжатлар имзолашда кўмак берилди.

*(Давоми 2-бетда)*

### XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда Янги йил байрами олдидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Савдо расталарида деҳқону боғбонлар томонидан етиштирилган сифатли ва сархил мевалар, сабзавот ва полиз, шунингдек, асал, сут, тухум, гўшт, балиқ, умуман, 50 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат, қандолат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.**

**• Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-умумтаълим мактабида Чингиз Айтматов бюсти ўрнатилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Қирғизистон Ёзувчилар уюшмалари, Республика қирғиз миллий маданий маркази, Тошкент вилояти ҳокимлиги масъуллари, шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**• "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Kamalak tekstil" қўшма корхонасида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди. Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Ургут туманининг Мерганча массивида ташкил этилган корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 32,7 миллион АҚШ доллари бўлиб, бу ерда йилига 6 минг тонна синтетик ип, 1 миллион 800 минг квадрат метр гилам, 2 миллион 400 минг квадрат метр тафтинг ва сунъий чим ишлаб чиқарилади.**

### ЖАҲОНДА

**• Грузиянинг янги сайланган президенти Саломо Зурабишвили ўз вазифасини расман бажаришга киришди.**

**• Испаниянинг Севилья шаҳрида Европа Киноакадемиясининг йилнинг энг яхши фильмлари, режиссёрлари ва актёрларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан польшалик режиссёр Павел Павликовскийнинг "Совуқ уруш" драмаси бош мукофотга лойиқ деб топилди. Шунингдек, ушбу фильм энг яхши режиссура ва сценарийга аталган мукофотларни ҳам қўлга киритди.**

**• Россиянинг Вологда шаҳрида турар жой биносида маиший газнинг портлаши натижасида бир киши ҳалок бўлди, олти нафар одам жароҳатланди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда, шаҳарда фавқулодда ҳолат режими жорий этилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил ноябрь ойининг охирига келиб, Ўзбекистоннинг дипломатик миссиялари томонидан умумий қиймати 21 миллиард долларлик 372 та лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хорижий муассасалар томонидан Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишланган қарийб 250 та тақдимот ўтказилди. Дипломатик миссиялар 50 дан ортиқ туризм кўргазмаси ва ярмаркаларда иштирок этди.

Шу билан билан бирга, вазирлик фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш фойдаланилмаган катта салоҳият ҳамда ҳал этилмаган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Жумладан, идоралараро ҳамкорликни таъминлаш муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаган, ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни ёки ташрифлар якунлари тўғрисида ахборот олиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари билан аниқ ўзаро алоқа механизми мавжуд эмас, бу эса икки томонлама ҳамкорликнинг чинакам ҳолатини билишни, уни янада ривожлантириш бўйича долзарб тавсиялар тайёрлашни чеклайди.

Мамлакатимиз товарлари экспортини ривожлантириш, инвестициялар ва туристларни жалб қилиш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилишда Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар хорижий муассасаларнинг таклифлари соҳага ихтисослашган идоралар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан узоқ кўриб чиқилиши билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда. Бу бир қатор муҳим икки томонлама тадбирларнинг мажбуран бекор қилинишига ёки кўчирилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳокимликлар фаолиятида идоралараро мувофиқлаштириш етишмаслиги, хорижий шериклар билан ҳамкорлик бўйича аниқ режалар ишлаб чиқишга расмиятчилик юзасидан муносабатда бўлиш сақланиб қолмоқда. Ташрифгача инвесторлар билан масофавий ишлар олиб борилмаяпти, ҳамкорлик шартлари, шартномалар қийматлари келишиб олинмаяпти. Охир-оқибат учрашувлар аниқ шартномалар ва мақсадли битимлар тузиш ўрнига ҳамкорлик тўғрисида оддий меморандумлар имзолаш билан якунланмоқда.

Хорижий муассасалар кўп сонли ҳисоботлар тайёрлаш билан ҳаддан ортиқ кўп шуғулланиши ишлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳолат, айниқса, ходимлар штатининг чекланганлиги ҳисобга олинса, хорижий муассасаларга диққат-эътиборни аниқ натижага қаратиш имконини бермаяпти.

Бугунги кунда Ўзбекистон инвестиция салоҳияти тўғрисидаги чет тилларида сифатли тайёрланган мазмунан бой материаллар ҳали ҳам етишмаслиги кузатилмоқда.

Сенаторлар Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тавсиялар билдирдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари 2019 йилги иш режаларини тузишда экспортнинг импортга нисбатан жадал суръатларда ўсишини, айниқса, узоқ хориж мамлакатларидан туристлар оқими ошишини таъминлаши зарур.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг инвестиция ва туристик салоҳиятини танитиш учун Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналарнинг янги ходимлари учун республика ҳудудларига гуруҳ бўлиб мунтазам ташрифлар ташкил этишни амалиётга жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Фарғона вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини ҳам эшитдилар.

Қайд этилганидек, 2018 йилда ҳудудни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан фойдаланиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмлари ўсиши 105,3 фоизга етди, жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 90 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравардан ортиқ ошди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2930 та кичик бизнес субъекти фаолият бошлади ва уларнинг сони қарийб 29 мингтага етди. Улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажми 1,5 триллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Натижада ҳудудда янги иш ўринлари сони ортмоқда, уларга асосан ёшлар жойлаштирилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида тадбиркорлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 2 триллион 552 миллиард 665 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22-23 июнь кунлари ва 2018 йил 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи вақтида билдирилган топшириқларни ижро этиш доирасида 380 та лойиҳа тасдиқланди.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда айрим Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг депутатлари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, маҳаллий Кенгашларда 500 дан ортиқ мансабдор шахсларнинг аҳолини ташвишга солаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳисоботлари тингланди, масъул тузилмалар раҳбарларига 300 дан ортиқ депутат сўровлари (мурожаатлари) юборилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Фарғона вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокамалар якунлари бўйича вилоятни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш юзасидан вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жавобгарлигини оширишга қаратилган Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар "Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш дастури тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Дастур лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ киритилгани таъкидланди. Муҳокама якуни бўйича Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, мазкур соҳада кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал маҳорати, интеллектуал салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлиги даражаси ошди, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилди, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳарбий хизматнинг обрўси ва нуфузи кескин кўтарилди.

Бироқ жойларда ўтказилган ўрганиш, аҳоли билан мулоқот ва уларнинг мурожаатлари билан танишиб чиқиш контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш, хизмат муддатини узайтириш ва хизматдан бўшаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар борлигини кўрсатди.

Ўрганиш контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш мураккаб жараён эканлигини кўрсатди. Кўплаб бюрократик тўсиқлар мавжуд, бунинг устига бу тартиб-таомил очиқ-ошкора эмас. Айрим босқичларни ўтказиш ва якунлаш муддатлари, шунингдек, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган. Бундан ташқари, собиқ ҳарбий хизматчилар, айниқса, пенсия олиш ҳуқуқини берадиган стажга эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар бандлигини таъминлаш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали ижтимоий мослаштиришнинг ягона ташкилий-ҳуқуқий механизми мавжуд эмас.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди. Муҳокама этилган масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А.Абдухакимовга имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан охирги 2 йилда ногиронлиги бўлган 21,5 минг нафар шахс, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар уй-жой билан таъминланди. Имконияти чекланган одамларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими тубдан такомиллаштирилди, уларни олий таълим муассасаларига қўшимча давлат грант квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, "Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларида ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, имкониятлари чекланган шахслар бу ҳуқуқдан тўлиқ фойдалана олмаяпти.

Уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А.Абдухакимовга имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар юзасидан парламент сўрови юбориш зарурати келиб чиқди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Унинг якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўн еттинчи ялпи мажлис давомида жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган 30 та масала, шу жумладан, 18 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**



# МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Мамлакатимиз ХМТнинг 14 та конвенциясини ратификация қилган.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари доирасида ҳукумат даражасида олиб борилаётган ишлар мазмунига тўхталиб, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларига зид ҳолатларга йўл қўйилмаслигини қатъий таъкидлади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат концепцияси иш ўринлари яратиш ва самарали бандликни таъминлаш, хавфсиз шароитлардаги меҳнат кафолати ва ҳуқуқларини таъминлаш, мақсадли ижтимоий ҳимоя, соҳа қонунчилигини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни фаоллаштириш каби стратегик вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиевнинг қайд этишича, мамлакатимизда ушбу концепция доирасида болалар ва аёллар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Анжуманда халқаро экспертлар томонидан бугунги кунда меҳнат муносабатларига дахлдор қарашлар эскирганини, жамият ривожланишнинг янгича кўриниш ва шаклларига муҳтож экани қайд этилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Хайнц Коллер глобаллашув, ахборот технологиялари тараққиёти жараёнида "иш ўрни" тушунчасини қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини таклиф қилди.

– Глобал миқёсда олиб қараганда, муносиб иш ўринлари тақсимоти адолат мезонларидан оғишганига гувоҳ бўлиш мумкин, – дейди Х.Коллер. – Рақамлар мисолида айтилганда, жаҳонда ҳар 10 кишидан икки нафари доимий иш жойига эга, холос. Бугун меҳнат бозорида кечаётган яна бир муҳим ҳодиса ишчи кучи сонининг ортиб бораётганидир. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб ривожланаётган давлатларда ишчи кучи ўртача 60 фоиз ўсади. Ўзбекистон аҳолиси йилдан йилга кўпаймоқда. Ишсизликка барҳам бериш мақсадида мамлакатингизда ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани эътиборга молик. Бунда ислоҳотлар натижаси ўлароқ, иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Жорий йилда АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонни пахта етиштириш ва териб олишда болалар меҳнатидан фойдаланувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарди, ХМТнинг дастлабки ҳисоботида эса мажбурий меҳнатга қарши курашишда Ўзбекистонда салмоқли юксалишлар кузатилгани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда 2018 йилги пахта ҳосилини териб олиш мавсуми давомида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларининг ХМТ халқаро экспертлари ва ҳуқуқ ҳимоячилари иштирокида қабул қилинган мониторинги хулосалари билан таништирилди.

Жорий йилда мамлакатимизда талабалар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари пахта йиғим-теримига жалб этилмаган. 2017 йилдагига нисбатан қўлда пахта териш тарифи 30 фоиз оширилган. Мансабдор шахсларнинг аҳолини мажбурий меҳнатга жалб қилгани учун жазо чоралари кучайтирилган. Хусусан, 200 дан зиёд раҳбар ходимлар айни ҳолат бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган.

Анжуман ўз ишини ялпи сессияларда давом эттирди. Унда муносиб меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат миграцияси хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш, меҳнат муносабатлари истиқболларининг фундаментал тамойиллари каби устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Иштирокчи давлатларнинг ушбу соҳадаги фаолиятига доир тақдимотлар ташкил этилди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА**

# МУРОЖААТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

***Тошкент шаҳар Статистика бошқармасига 9 ой мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан жами 2596 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104%ни ташкил этди. Жами мурожаатларнинг 2438 таси ёзма, 20 таси электрон, 75 таси сайёр ва шахсий қабулларда ҳамда 63 таси ишонч телефони орқали келган мурожаатлардир.***

Келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти, Ягона давлат регистр базасидан маълумот сўраб берилган аризалар (1049 та), Давлат статистика ҳисоботлари тўғрисидаги маълумот сўраб берилган аризалар (388 та), ҳисоботларни тўғри ва сифатли топшириш юзасидан кўрсатиладиган консалтинг хизматларини сўраб берилган аризалар (422 та), тармоқ кодини алмаштириб бериш тўғрисида берилган аризалар (273 та), шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектига мансублиги, фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва туманлар миқёсидаги ўртача иш ҳақи, ишлаган даври учун архив маълумотномалари тўғрисидаги берилган аризалар ва бошқаларни ташкил этади.

Таҳлилларга кўра, туманлар кесимида мурожаатларнинг катта улуши Мирзо Улуғбек (321 та), Чилонзор (316 та) ва Яшнобод (283 та) туманларига, шунингдек, энг кам улуши Бектемир (66 та) туманига тўғри келган.

Бошқарма раҳбарияти томонидан 2018 йил январь-сентябрь ойларида туманларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун тасдиқланган жадвалга мувофиқ жойларда 17 та сайёр қабул учрашувлари ташкил этилди.

Ушбу сайёр қабуллар давомида 50 та жисмоний ва юридик шахслардан оғзаки мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда асосли ёзма жавоб хатлари мурожаат муаллифларига ўз муддатларида тақдим этилган.

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**

# ТОШКЕНТДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ 25-МАЖЛИСИ ЯКУНЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатасининг юқори даражадаги тадбири Ўзбекистонда илк бор ташкил этилди. Ташкилотга раислик турли йилларда Афғонистон, Туркия, Эрон, Покистон давлатлари томонидан амалга оширилган. Айни пайтда унга Туркия томони раислик қилмоқда. Бугунги кунда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айланмаси 600 миллиард АҚШ долларидан зиёд, аҳоли сони эса 440 миллиондан ортиқдир.

Тадбирда тузилма таркибидаги тармоқ институтларининг жорий йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди, ташкилотга аъзо давлатлар Савдо-саноат палаталарининг ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир таклиф ва ташаббуслари тингланди.

Анжуманда иштирокчилар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар билан яқиндан таништирилди.

Ўтказилган учрашувлар натижаларига кўра, Туркияда 2019 йилда "Аёл тадбиркорлар ярмаркаси ва семинари"ни ўтказиш, Тадбиркор хотин-қизлар кенгаши веб-порталини ишга туширишга келишиб олинди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлик ташкилот доирасидаги шерикликнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Шу маънода, мажлис иштирокчилари 2019 йил сентябрь ойида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро ҳунармандлар фестивали ишида тузилмага аъзо давлатлар ишбилармон хотин-қизлари иштирокини таъминлаш ҳамда сайёҳликни ривожлантириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш бўйича якдил қарашга эга эканликларини билдирди. Келаси йили Ўзбекистоннинг Туризм соҳасидаги навбатдаги халқаро инвестиция форумини Истанбулда ўтказишга қарор қилинди.

Учрашувда минтақадаги трансчегаравий масалалар бўйича баҳсли ҳолатларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатасининг Арбитраж марказини очиш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Қирғизистон Савдо-саноат палатаси ўртасида Ўзбекистон – Қирғизистон ишбилармонлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатаси билан Туркия ишбилармонлари кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда ташаббускор юртдошларимизни "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

# ФАОЛ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раҳбари А.Саидов мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган инсонлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг фаол ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган манзилли ишларига қарамай, ҳамон соҳаларда ўзига яраша камчиликлар учрамоқда. Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва унга мувофиқ 14 ноябрда имзоланган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур кўкрак нишони жорий йилда ўзининг самарали меҳнати билан жамиятимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган 77 нафар юртдошимизга берилади.

– Мамлакатимиз ҳаётидаги ислоҳотлар, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган катта ишларга оз бўлса-да, ҳисса қўшиб келаётганимдан хурсандман, – дейди "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова. – Ушбу кўкрак нишони фаолиятимизни ривожлантиришга берилаётган юксак баҳодир. Тадбиркор аёлларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилаётгани уларнинг ишбилармонлик ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, оиласи ва жамиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда. Биз ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишдан чарчамаймиз.

Тантанали маросимда бир гуруҳ фаол юртдошларимизга кўкрак нишони ва эсдалик совғалари топширилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Эъзоз ва эътибор**

# МЕҲНАТЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНМОҚДА

***Айни кунларда бутун Республикамиз бўйлаб кўнгилларни кўтариб, ҳаётга янада ҳузурбахшлик билан қарашга, астойдил меҳнат қилиб, чиройли ҳаёт кечиришга ундовчи бир хабар эпкини кезмоқда.***

Кекса отахону онахонлар, олиму шифокор, педагогу дурадгор, қўйингчи, юртимизнинг ҳар бир фуқароси Президентимизнинг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан чуқур ҳаяжонда, ҳам пенсияни, ҳам маошни тўлиқ оларканмиз деган фикрларни айтиб ўзаро бир-бирлари билан шукроналик гурунгини қилмоқдалар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бугун юртимизда 3 миллион 87 минг 265 нафар пенсионер бўлиб, уларнинг аксарияти оила даврасида умргузаронлик қилмоқда. Шундан 100 минг нафардан зиёдроғи турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Чунки шу пайтгача агар пенсионер ишласа ҳам ойлиги, ҳам пенсиясини тўлиқ миқдорда олмас эди. Юқоридаги Фармон эса ана шу моддий манфаатдорликни ошириш билан бирга яна қатор ижобий ҳолатларга замин бўлади.

* * *

**Ҳамза НОРМУРОДОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чилонзор туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:**

– Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш кераккки, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга ойлик маоши билан бирга, пенсияси тўлиқ берилаётганлиги биз учун катта қувонч ва айни вақтда масъулият ҳамдир. Бу албатта ўз соҳасининг билимдони бўлган, ҳам ҳаётий, ҳам илмий тажрибага эга етук мутахассисларни касбига қайтариш, ёш кадрларга устозлик қилишларига имконият яратишдир. Ўз соҳамдан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда отахон-онахонлар даврасида бўлганимда бу борада кўп савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланар, худди шу масала бўйича пенсия ёшидаги инсонлардан ҳам маош, ҳам пенсиямиз тўлиқ тўланса эди, деган орзу-ниятлар айтилар эди.

Албатта мазкур Фармон халқимиз кўнглидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш, юрт ривожига ҳисса қўшиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

* * *

**Маҳбуба РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**кимё фанлари номзоди, пенсионер:**

– Президентимизнинг ушбу Фармони биз кексалар кўнглини тоғдек кўтарди, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшилди. Қолаверса, бошдан ўтган тажрибаларга суяниб айтадиган бўлсам, агар ишласангиз ҳар томонлама соғлиққа ҳам, жамиятга ҳам фойдали бўлади. Моддий манфаатдорлик, оила даромадига ҳисса қўшиш эса жуда ҳузурли. Мен барча пенсия ёшидаги инсонлар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирсам айни ҳақиқатни айтган бўламан.

* * *

**Зикрилла АСАТОВ,**
**"Нуроний" жамғармасининг Учтепа туман бўлими раиси:**

– Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган маросимдаги нутқини катта ҳаяжон билан тингладик. Айниқса, пенсия таъминоти энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолиши ҳақидаги фикрларни эшитиб, ич-ичимдан қувондим. Аслида ижтимоий ҳимояга кўпроқ пенсионерлар муҳтож бўлади ва пенсия таъминоти борасидаги янгиланишлар кексаларимизга жуда қўл келади. Бу борада қабул қилинган Фармон эса нур устига аъло нур бўлди.

Асосан иш юзасидан нафақадаги қариялар билан суҳбатлашиб, улар билан биргаликда турли тадбирларни уюштирамиз. Ҳозир нуроний отахон ва онахонларнинг барчаси қўлларини дуога очиб, муҳтарам Президентимизни дуо қилишмоқда. Чунки Юртбошимиз халқимиз учун жуда ҳам адолатли бўлган Фармон ва Қарорларни қабул қиляпти. Илоҳим, жаннатмакон она диёримизга кўз тегмасин.

**Ўсимликлар дунёси**

# ФИЛЛОКСЕРА ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

***Ҳозирги кунда дунё миқёсида узум ва унинг маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.***

Кўпгина давлатларда интродукция қилиш орқали токнинг турли навлари келтириб иклилаштириш йўлга қўйилган. Лекин бунинг салбий жиҳатлари кейинчалик юзага чиқа бошлайди.

Ток Филлоксераси-ҳашаротларнинг тенг қанотлилар туркумига, филлоксералар оиласига мансуб бўлган у хавфли токнинг карантин зараркунандаси ҳисобланади. Маълумки филлоксера – Европада 20-30 йил давомида 60 млн. гектарга яқин токзорнинг қуришига олиб келган ўта хавфли ҳашарот ҳисобланади. Филлоксеранинг бу даҳшатли таъсири натижасида кўпчилик давлатларда токзорларнинг илдизи билан қуриб кетишига сабаб бўлди. Филлоксеранинг қишловчи тухумлари овалсимон шаклда, уч қават қобиқ билан қопланган. Узунлиги 0,27 мм, эни 0,14 мм, бўлиб – 12-14 даража совуққа чидайди. Филлоксера апрель-май ойларида қишловдан чиқиб ривожлана бошлайди. Қишлаб чиққан тухумдан урғочи филлоксеранинг личинкаси пайдо бўлади.

У ёш барг новдаларини қидириб топади ва хартуми билан ўсимлик ширасини сўриб озиқлана бошлайди. Ушбу зараркунанда 5-9 тагача авлод бериб кўпаяди. Зарарланган органларда бўртмалар ҳосил бўлади. Барглар деформацияга учрайди, ёш ток кўчатлари ҳосилга кирмасдан нобуд бўлади. Жаҳонда филлоксерага қарши барча кураш усуллари қўлланиб кўрилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зараркунанда ўчоқларини йўқотиш ва изоляция қилиш, зарарланган буталарни йиғиштириб олиб ёқиш, зарарланган майдондаги токларни куйдириш тупроққа сиртдан таъсир этувчи препаратлар билан ишлов бериш Европа ток навларини Американинг чидамли навларига пайванд қилиш, филлоксерага чидамли навларни яратиш каби усуллар кенг қўлланиб кўрилди.

Шунга қарамасдан зарарланган ҳудуддан филлоксерани йўқотиш чора-тадбирлари топилмаган.

**Л.НАЖИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциясининг 1-тоифали агроном инспектори**

**Хабарлар**

# "МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ" КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини ривожлантириш давлатимизнинг устувор вазифасига айланган.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июлда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Қарорга мувофиқ, маҳалла фаолиятини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган фаол, ташаббускор фуқароларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини муносиб равишда рағбатлантириш белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида янги кўкрак нишонининг илк соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев иштирок этиб, маҳалла институти мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида муҳим вазифани бажараётгани, маҳалла фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамиша эътибор кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Камтарона меҳнатимизга юксак баҳо берилганидан ғоятда хурсандман. Кўксимизга тақилган ушбу нишон барчамизни янада шижоатли бўлиш ва ғайрат билан ишлашга руҳлантиради. Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизга катта миннатдорчилик билдираман, – дейди Сергели тумани "Шукрона" маҳалласи фахрийси Мавжуда Турсунова.

Тадбирда пойтахтимизнинг маҳалла бўғинларида фидокорона хизмат қилаётган 16 нафар фаоллар "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирланди.

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Тошкент шаҳридаги айрим маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.***

Мазкур қарор билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши ва туман ҳокимликларининг айрим маҳаллалар ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиши мумкин.

Қарор лойиҳасига Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳаллалар рўйхати ва уларнинг номлари ҳамда бўлиниши ҳисобига ташкил этилаётган маҳалла чегаралари тавсифлари тасдиқланиши кутилмоқда.

# ЎҚУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

***Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан С.Сирожиддинов номидаги академик лицейда учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари сўз олиб лицей ўқувчиларига мазкур ҳужжатнинг аҳамияти, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.***

— Тадбирда иштирок этиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақида билимларимни ошириш имконига эга бўлдим. Биз келгусида етук кадр бўлишимиз учун ҳуқуқларимизни яхши билишимиз керак, бундай учрашувлар доимий ўтказилишини хоҳлайман, — дейди лицей ўқувчиси Шаҳрам Абдуқодиров.

Тадбир давомида лицей ўқувчилари ўртасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига доир викторина ўйинлари ташкил этилди. Викторинада фаол иштирок этган ўқувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Матбуот хизмати**

**Қилмиш – қидирмиш**

# "ТАЪМАГИР ГАЗЧИЛАР"

***2016 йилнинг октябрь ойларида Яшнобод туманида яшовчи М.Азизованинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) уйига газ идорасидан вакил келиб, газдан 3 млн. сўм қарзи борлигини айтади. Хонадон эгаси май ойида 1,5 млн. сўм тўлаган, шундан сўнг моддий томондан қийналганлиги учун газ тўловини тўламаган эди.***

2017 йил 26-27 февраль кунлари газ идорасига газ ҳақини тўлаш учун борганида газ назоратчилари унинг қарздорлиги 4,5 млн. сўм эканлигини айтишади. М.Азизова масъул ходим Э.Ботировга барча квитанцияларни тақдим қилади. Текширувда тўланган пуллар ҳисоб рақамига тушмаганлиги аниқланади. Компьютерда атиги 15 минг сўм кўринади. Шундан сўнг Э.Ботиров М.Азизованинг уйига келиб, ҳисоблагични кўздан кечиради. Бу орада "Яшнободтумангаз" назоратчиси З.Тошева ҳам шу хонадонга кириб келади. Ўрганишлар давомида З.Азизованинг газдан 14 млн. сўм қарзи борлиги маълум бўлади. Э.Ботиров ҳамкасби З.Тошева билан биргаликда хонадонни газ тизимидан узиб қўйишга қарор қилади. М.Азизова ундай қилмасликларини илтимос қилади.

Шоввозлар ўзаро гаплашиб, 14 млн. сўм қарздорликни ёпиб бериш учун 4 млн. сўм кассага, 500 АҚШ долларини хизматлари учун тўлашни айтишади.

М.Азизова унча пули йўқлигини, фақат кассага 4 млн. сўм тўлаб қўйишини билдиради...

Бу орада З.Тошева кунора М.Азизовага телефон қилиб, пулни тўлашни талаб қилади. 2 март куни З.Тошева унинг уйига келиб, 50 АҚШ долларини олиб кетади. Шундан сўнг М.Азизова газ соҳаси ходимларининг ноқонуний ҳаракатларидан норози бўлиб, ҳуқуқ органларига мурожаат қилади. Икки кундан сўнг, 6 март куни З.Тошева М.Азизованинг уйига келиб 450 АҚШ долларини олаётган вақтда қўлга олинади.

Бундан ташқари З.Тошева ўз фаолияти давомида жуда кўп фуқароларни "чув" туширган. У 2015-2017 йилнинг март ойига қадар ўзига бириктирилган ҳудуд фуқароларидан жами 30 млн. 954 минг 300 сўм миқдордаги пул маблағларини қабул қилиб олган. Масалан, З.Тошева "Жўрабек" маҳалласида яшовчи О.Танибердиевадан 1.5 млн. сўм, Д.Саидовадан 485 минг сўм, А.Козулиндан 656 минг сўм олган...

З.Тошева фуқароларга тўлов квитанцияларини берганлиги ҳам рост. Аммо ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган пул маблағларини банкка топширмасдан ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Суд мажлисида иккала судланувчи ҳам айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Судда гувоҳ сифатида сўралган барча фуқаролар газ учун тўловларни назоратчига беришганлигини, квитанция ёздириб олишганлигини айтишди.

Суд иккала судланувчига ҳам 2 йилга "Ўзтрансгаз" тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, 2 йилу 8 ой муддатга озодликдан чеклаш жазосини тайинлади.

**Нодир УБАЙДУЛЛА-ЗАДЕ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Яшнобод туман бўлими катта инспектори**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"Golden leaf`s future" МЧЖ (ИНН 304566850) устав фондининг 1.048.084.122.40 сўмдан 900.782.059.81 сўмгача камайтирилганлигини маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99898 778-06-00.

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 9.10.2013 йилда № 004728-07 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "UMIDA TEKSTIL" ХК (СТИР 302725266) таъсисчининг 12.12.2018 йилдаги № 1 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Ховос 2-тор кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади.

"Toshkent shahar veterinariya boshqarmasi"нинг (ИНН 201190494) кичкина думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент вилояти Зангиота тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Зангиота тумани, Зангиота ҚФЙ, А.Темур кўчаси, 73-уй учун Умаров Уринбой Сатторович номига бино-иншоотга 28.08.2008 йилда берилган ТА № 0618917 сонли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институт касаба уюшма қўмитаси раиси

**Турғун ДАДАМУХАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва жамоаси "Маркшейдерлик иши ва геодезия" кафедрасининг катта ўқитувчиси Гуллола Собировна Кутумовага турмуш ўртоғи

**Дониёр Ибрагимович МИНГБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси жамоаси узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритган

**Юсуф Шабаевич РАЖАБОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

